


ОАВ ТИЛИ

ЭРОН ТИЛШУНОСЛИГИДА МАТБУОТ ТИЛИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР



Дилфуза АХМЕДОВА
филология фанлари номзоди
Тошкент давлат шарқшунослик институти
докторанти
dilakhmedova@mail.ru

Аннотация

Мақола тилшуносликнинг ҳозирги кундаги долзарб масалаларидан бири – матубот тилининг эрон тилшунослигидаги тадқиқини ўрганишга бағишланган. Мазкур масаланинг ўрганилганлик даражаси, бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили, шунингдек, эрон тилшунослари томонидан газеталар матнининг мазмуни, услуги, грамматик қурилишини ўрганиш жараёни ҳақидаги фикрлар тақдим этилган. Оммавий ахборот воситаларининг тил ривожига ҳамда лисоний маданиятнинг шаклланишига таъсири масалалари ёритилган.

Аннотация

Статья рассматривает одну из важных сторон лингвистики: язык прессы в иранском языкознании. В статье дается анализ степени изученности, результатов исследования данного вопроса, а также процесс изучения иранскими лингвистами грамматического строя, стиля, содержания газетных текстов. В статье рассматриваются вопросы о влиянии средств массовой информации на развитие языка и формирование языковой культуры.

Abstract

This article considers one of important questions of linguistics, questions on language of the press in the Iranian linguistics. In article is given the analysis of degree of study, results of a research of the matter and also process of studying by the Iranian linguists of a grammatical system, style, contents of newspaper texts. In article it is given questions on influence of means of mass information to development of language and in formation of language culture.

Калит сўзлар: публицистик услуб, матбуот (газета) тили, эрон журналистикаси, матбуот матнлари.

Ключевые слова: публицистический стиль, язык прессы (газеты), иранская журналистика, тексты прессы.

Keywords: publicistic style, language of the press (newspaper), Iranian journalism, texts of the press.

Публицистик услуб ёрқин ва аниқлиги, ўзида ёзма ва оғзаки нутқ элементларини мужассамлаштиргани, ижтимоий-сиёсий, илмий-техник терминларнинг қўлланиши, сўзлашув тили синтаксиси элементи ва фразеологизмнинг мавжудлиги билан бошқа функционал услублардан ажралиб туради. Публицистик услуб ўзининг новаторлиги билан алоҳида

хусусият касб этади. Фан, техника, маданият, саноат, қишлоқ хўжалиги, жамиятнинг таракқий қилиши натижасида тилда янги сўз ва иборалар пайдо бўлади. Булар дастлаб ўз аксини газетада – публицистикада топади.

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва унинг тил ривожига, тил маданияти шаклланишига таъсири бу услубни ўрганишга бўлган қизиқишни тобора орттираверади. Ҳозирги кунда лингвист олимлар газета матнининг тузилиши, мазмуни, услуби, грамматик тузилиши ва лексикасини ўрганмоқдалар.

Газета муайян мамлакатда содир бўлаётган сиёсий жараёнларни оператив ёритиб берувчи манба саналади. Мақолада айнан газета тилини ўрганишга аҳамият қаратиш қуйидагилар билан асосланади: 1) газета матни тадқиқ қилишда алоҳида ёндашувни талаб этувчи матн тури ҳисобланади. Унинг алоҳида жиҳатларидан бири – жаҳон, вазият, муаммо ҳақида аудиторияга аниқ маълумот етказиши; 2) кейинги йиллари Эронда юз бераётган сиёсий жараёнлар тилда, хусусан, оммавий ахборот воситалари тилида ўз аксини топмоқда. Бугунги Эрон газеталарини ўқиш жараёнида форс тилини ўрганаётган талабаларнинг баъзан матнни тушунмаслик ҳолатлари кузатилиши табиий. Тил вазияти Эронда содир бўлган ва содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсири остида эканлиги билан қизиқ. Газета матнларида таъсир этувчи йўналиш кучайганлиги сезилиб туради.

Тил бирликларининг матнда бирор вазифани бажариши нафақат ўша бирлик семантикаси, балки муайян коммуникатив шароитлар хусусиятига ҳам боғлиқ. Матбуот катта ҳажмдаги маълумотни етказиш билан ҳозирги сиёсий ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеаларни ёритишга хизмат қилади, инсон фаолиятининг турли соҳалари билан танишишга имкон яратади, ўқувчиларни ўзига жалб этиш мақсадида турли фикр ва қарашларни тарғиб этади.

Матбуот материалларининг таъсирли бўлишида муаллиф қўллайдиган баён услуби, тил бирликлари муҳим роль ўйнайди. Маълумот қанчалик аниқ ва равшан берилса, ўқувчи аудиториясига таъсири шунчалик кучли бўлади.

Эрон журналистикаси XIX асрнинг иккинчи ярмида Қожорлар сулоласи ҳукмронлигининг илк даврларида шаклланган. 1841 йили “*كاغذ اخبار*” газетаси илк мартаба форс тилида чоп этилади. Лекин бу газета етарли даражада оммалашмаганлиги боис Эронда вақтли матбуот тарихи 1851 йил 7 февралда чоп этилган “*وقایع اتفاقی*” газетаси нашри билан боғланади.

Эрон журналистикасининг ривожини “*دارالفنون*” илк дунёвий ўқув муассасасининг таъсис этилиши билан ҳам боғлиқ. У ерда Европанинг илмий ва бадиий адабиётлари форс тилига таржима қилиниши билан бирга *روزنامه علمی، روزنامه اطلاع، روزنامه نظامی، شرف دارالفنون* каби янги газеталар нашр қилинади. 1896 йили “*دارالفنون*” томонидан “Хулосот-ул-ҳаводис” газетаси нашр этилгунга қадар Эронда кундалик газета мавжуд бўлмаган.

Эрон вақтли матбуоти шаклланиши ва ривожланишида Эрон ёшларининг Фарб мамлакатларида таҳсил олиб қайтиши ва “*دارالفنون*”нинг таъсис этилиши асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Эрон замонавий ахборот воситаларининг янги йўналиши ислом революциясидан сўнг шаклланди. Ҳозирги кунда матбуот ҳокимият

томонидан назорат қилинади. Вақтли матбуотнинг 80 %и форс тилида, қолган 20 %и инглиз, араб ва бошқа тилларда чоп этилади (6).

Ҳозирги кунда Эронда “جمهوری اسلامی”, “رسالت”, “ابرار”, “اطلاعات”, “کیهان”, “خبر”, “آرمان”, “آفتاب یزد”, “آفرینش”, “ابتکار”, “اعتماد”, “ایران نیوس”, “تهران تایمس”, “رسالت”, “سیاست روز”, “شرق”, “قدس”, “کار و کارگر”, “ایران”, “توسعه”, “جام جم”, “حمایت”, “جهان”, “خبر ورزشی”, “نود”, “کیهان”, “مردم سالاری”, “همشهری”, “هموطن سلام”, “خراسان”, “اقتصاد”, “جهان اقتصاد”, “جهان صنعت”, “دنیای اقتصاد”, “ابرار ورزشی”, “ایران ورزشی”, “فوتبال”, “پویا”, “عصر اقتصاد”, “ابرار اقتصادی”, “آسیا”, “پویا” каби газеталар чоп этилади.

Ҳозирги Эрон газеталари мамлакатда мавжуд сиёсий-ғоявий карашлардан келиб чиқиб, консерваторлар, реформаторлар ва центристлар газеталарига бўлинади. Консерваторларга “جمهوری”, “ایران”, “قدس”, “کیهان”, реформаторларга — “اسلامی”, “اطلاعات”, “رسالت”, “فردا”, “اخبار”, “شما”, “جام جم”, “اسلامی”, “اعتماد ملی”, “اعتماد”, “آفتاب یزد”, “همبستگی”, “کارگزاران” газеталари тегишли.

Теҳрон шаҳар ҳокимияти матбуоти саналган “همشهری” газетасидан ташқари, шу ном остида “همشهری خانواده”, “همشهری جوان” ва “همشهری دیپلماتیک” журналлари ҳам чоп этилади.

Эрон газеталари тематикаси ижтимоий янгиликлар, маҳаллий янгиликлар, Эрон ва маданият, жаҳон янгиликлари, спорт ва бошқа рукнларни ўз ичига олади. Умумий олганда, Эрон газеталари рукнлари тематикасини беш гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: сиёсат, иқтисод, маданият, спорт ва ижтимоий ҳаёт. Бу рукнлар бир-биридан ўзига хос лексик бирлик ва грамматик категорияларнинг қўлланиши билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда Эронда газета тилига бўлган қизиқиш ортиб бораётгани, бу масала юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунга Захро Али Бахшийнинг “کتاب ویژگیهای رسیدگی به جرایم”, Доната Рейхнинг Фариде Ҳақбин томонидан таржима қилинган “زبان مطبوعاتی”, Тибе Мансур Шоднинг “ویژگیهای زبان مطلوب مطبوعت”, Том Вулфнинг “ویژگیهای سبک روزنامهنگاری نوین”, Ҳасан Зулфиқорийнинг “آسیب شناسی زبان مطبوعات” ҳамда “الگوهای غیرمعیار در زبان مطبوعات” асалари ва мақолаларини келтириш мумкин.

Хусусан, Доктор Ҳасан Зулфиқорийнинг “الگوهای غیرمعیار در زبان مطبوعات” асарида ҳозирги кунда Эронда оммавий ахборот воситалари, жумладан, матбуот катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Бу асарнинг асосий объекти лексема бўлиб, лексеманинг матбуот тилида қўлланилиши, кўп ҳолларда сўзларнинг нотўғри ишлатилишига бағишланган. Муаллиф ҳозирда матбуотда меъерий тил қоидаларига риоя қилинмаслик ҳолатлари ортиб бораётгани, жумла тузишда қўпол хатоларга йўл қўйилаётгани, сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилмаётгани келажакда форс тили софлигига путур етказишини форс тилининг бузилган шакли вужудга келиш хавфи мавжудлигини афсус билан таъкидлайди. Чунки матбуот тилидаги шакллар омма томонидан тезроқ қабул қилиниши сир эмас. Газета маданий, спорт, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги энг янги хабарларни турли жамият аъзоларига кунма-кун етказувчи восита. Газета тилининг хусусиятларидан бири уларнинг

оммабоплигидадир. Газета хабарларни ҳар куни ўз вақтида ўқувчиларга етказиб берувчи восита саналади (5).

Доната Рейхнинг Фариде Ҳақбин томонидан таржима қилинган “*زبان روزنامه*” (9) китоби дарслик сифатида шакллантирилган. Унда келтирилишича, газета нафақат хабар етказиб берувчи, балки хабарни тасвирлаб берувчи восита. Муаллифнинг фикрича, бу тасвир гўзал, хунук, реал, хаёлий бўлиши мумкин.

Ҳар бир миллат маданияти шу миллатнинг қиёфасини намоён этувчи восита саналади. Миллий маданиятда тил ва ёзувнинг ўрни, тил ва ёзув ривожига ОАВнинг таъсири катта аҳамият касб этади. Тил ва ёзув маданиятнинг икки асосий унсуридир. Газета матнларини ёзишда ёритишнинг бошқа усуллариан фарқланувчи услубдан фойдаланилади. Матбуот тили мавзунини етказишда тезликдан ташқари, тўғри ва тушунарли бўлиши керак. Матбуот матнлари халқнинг сўзлашуви ва ёзуви учун асос вазифасини бажаради. Бу соҳадаги битта хато ҳам халқ орасида тарқалиб кетиши ва оқибатда тил қоидаларининг бузилишига сабаб бўлади. Шу боис, газета матнларини ёзишда ёзув қоидалари билан таниш бўлиш, фикрни аниқ ва тўғри ифода эта олиш кўникмасига эга бўлиш муҳим.

Захро Али Бахшийнинг фикрича, матбуот матнларининг услуби барчага тушунарли содда, раво тилда ёзилган бўлиши керак. Матбуот матнларининг яна бир хусусияти – унинг қисқа ва лўндалиги. Матнда сўз қанча кам бўлса, уни тушуниш шунча осон кечади. Газета матнида қўлланилган илмий терминларни кенг омма тушунмаслиги мумкин. Шу боис бундай терминлардан фойдланишни чеклаш керак. Матбуотда матн муайян шаклга солинган, меъёрлашган бўлиши керак. Газета насри – меъерий тил, яъни радио ва телевидениеда, китоб ёзишда, расмий музокараларда қўлланилган насрдир. Матбуот тилида форс тили грамматик қоидалари ва услубларига риоя этилиши шарт. Лекин ҳозирги кундалик газеталарда форс тили грамматик қоидалари ва стилистик меъёрларига мос келмайдиган ҳолатлар кўп учрамоқда.

Матбуот тили экспрессив эмоционал унсурларга эга бўлмаган, аниқ сўзларни ўз ўрнида ишлатадиган тил. Бу тилда бадий услуб воситаларидан фойдаланилмайди. Хабар ёки гўзореш саҳифаларида расмий тил, интервьюларда эса самимийроқ тил акс этади. Соддаликка интилиш ҳам газета тилининг хусусиятларидан биридир. Муносиб сўзларни танлаш газета тилининг энг муҳим томони(7).

Доктор Ҳасан Зўлфиқорий “*أسیشناسی زبان مطبوعات*” мақоласида матбуот тили хато ва камчиликлардан холи бўлиши кераклигини таъкидлайди. Ушбу мақолада ҳозирги кунда эрон газеталарида йўл қўйилаётган грамматик хатолар ёритилган. Ҳар бир грамматик категорияга бирма-бир тўхтаб ўтилган. Асосий мақсад – форс тилининг софлигини сақлаб қолиш(2).

Эрон олими Таваккули матбуот материалларини яратишда материал мақсади ҳамда материал адресатини асосий мезон сифатида кўрсатади. Унинг фикрича, ёзиладиган мақола сарлавҳасидан бошлаб яқунловчи хулосасигача қизиқарли бўлиши керак. Шундагина бу матбуот материали ўқувчиларни ўзига

жалб қила олиши мумкин. Матбуот материалларининг ўзига хос жиҳатлари сифатида қисқалик, аниқлик, оғзаки тилдан фойдлананиш, мавзунинг келиб чиқишига тўхталиш, ривоят ва ҳикоятлардан фойдаланиш, мантиқ ва материаллар ишончилиги, статистик маълумотлар келтириш каби томонларини санаб ўтади(3).

Маъсудийнинг таъкидлашича, газета тилининг услуби ўқиш ва тушуниш учун осон, шу билан бирга қуруқ бўлиб қолмай, ўзига хос жозиблага эга бўлиши керак. Олимнинг фикрича, ҳар бир журналист ўзининг услуби билан ажралиб туриши керак. Газета тилининг асосий жиҳати – соддаликка интилиш. Газета саҳифаларида ёритилган материаллар маълумоти олий бўлмаган ўқувчига ҳам тушунарли бўлиши керак, деган фикрни илгари суради. Яъни газета матнларида маълум соҳага оид терминлар, ўзлашмалар, неологизмларни қўллашни меъёрлаштириш таклифини киритади(8).

Доктор Шамисо газетанинг асосий функцияси сифатида хабарни адресантдан-адресатга етказишди, деб кўрсатади. Адресатлар турли савод сатҳига эга, жинси, маълумоти, ижтимоий даражаси турлича, қизиқиши ва дунёқарашлари ҳар хил бўлса-да, газетада бериладиган хабар уларнинг барчасига бирдек тушунарли бўлиши, яъни барча адресатлар талабига жавоб бера олиши керак (4).

Эрон газеталарини ўрганиб чиқиш жараёнида уларда қисқаликка, терминларни камроқ қўллашга, тўғри баён услубини танлаш ҳамда тил софлигини сақлашга интилиш кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. محمد تقى بهار ملك الشعرا. سبک شناسى. تهران 1349
2. دکتر فتوحى. سبکشناسى. تهران 1394
3. مهدى باقرى. يشینه سبک و سبکشناسى علمى در اروپا و ايران. تهران 1390
4. دکتر سيروس شميسا. بيان و معانى. تهران 1995
5. كيومرس كيوان. سبکشناسى زبان و شعر فارسى. تهران 1377
6. قاعده سبکشناسى <http://farsigr.styl.com>.
7. سيد ضياءالدين قاسمى ، على افخمى. سبکهای زباى و نمود ادبى در فارسى. مجله پژوهش زبانهای خارجى. شماره 55. زمستان 1388. صفحه 5-17.
8. سانسانى زبان معيار و پيوستار گونه های زبانى معيار. مجموعه مقالات. 1388
9. داناتا ريح به كوشش فریده حق بين. زبان روزنامه: تهران 1388